



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2026 yil « 5 » may

ПФ–74 -son

Тиббиёт соҳасида хусусий секторни қўшимча қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Тиббиёт соҳасида хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва соҳага замонавий бошқарув усуллари ҳамда илғор технологияларни жорий этиш орқали тиббий хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар тиббиёт соҳасида хусусий секторни қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

- (а) хусусий секторнинг тиббий хизматлар кўрсатишдаги улушини 2030 йилга қадар **30 фоизга етказиш**;
- (б) соғлиқни сақлаш соҳасида инвестиция ва давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда – ДХШ) асосидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда инвесторларга **комплекс хизмат** кўрсатиш;
- (в) ҳудудларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар **сифатини** ва **қулайлигини ошириш**;
- (г) нодавлат тиббиёт ташкилотларини **қўшимча қўллаб-қувватлаш** орқали тиббий хизматлар кўрсатиш кўламини **кенгайтириш**.

II. Тиббий хизматлар кўрсатишда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш

2. 2026 йил 1 июлдан бошлаб:

- (а) нодавлат тиббиёт ташкилотларига** давлат тиббий суғуртаси ҳамда лицензия доирасида **барча йўналишларда** беморларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий хизматларни кўрсатишга **рухсат берилади**. Бунда даволаш харажатлари **давлат ва нодавлат** тиббиёт ташкилотлари учун **ягона базавий нархлар** асосида қоплаб берилади;
- (б) миллий аккредитация ёки Соғлиқни сақлашда сифат бўйича халқаро жамияти (ISQua)** томонидан аккредитациядан ўтказилган ташкилотларнинг аккредитациясидан (кейинги ўринларда – халқаро аккредитация) ўтган тиббиёт ташкилотлари учун беморларни Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаш бўйича Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) билан шартнома тузишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги эксперт комиссиясининг **хулосасини олиш талаби бекор қилинади**;
- (в) Жамғармага ажратилган маблағлар** доирасида беморларга тиббиёт ташкилотларида ихтисослаштирилган **амбулатор тиббий хизматлар кўрсатиш** ва **жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун йўлланма бериш** тартиби жорий этилади;
- (г) беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш** учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тиббиёт ташкилотлари кесимида **тақсимлаш амалиёти бекор қилинади** ҳамда касалликлар йўналишлари кесимида ойлик маблағлар ҳажмини белгилаш тартиби жорий қилинади;
- (д) тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий фаолият** учун лицензия талаблари ва шартлари бузилган тақдирда, лицензиянинг амал қилишини **фақат бундай бузилишларга йўл қўйилган тиббий ихтисослик тури қисмида** тўхтатиб туриш амалиёти йўлга қўйилади;
- (ж) туғуруқни қабул қилиш йўналишида** тиббиёт ташкилотларини ташкил этишда **бактериологик лаборатория хизматларини аутсорсинг асосида йўлга қўйишга рухсат берилади**.

3. Миллий ёки халқаро аккредитациядан ўтган нодавлат тиббиёт ташкилотларига 2027 йил 1 майдан бошлаб қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб асосида трансплантация амалиёти билан шуғулланишга рухсат берилсин. Бунда:

(а) нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган **инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилиш тартибига риоя этилиши** тиббий фаолият учун лицензия талаб ва шартлари этиб белгиланади;

(б) нодавлат тиббиёт ташкилотларининг инсон аъзолари ва (ёки) тўқималарини трансплантация қилиш билан боғлиқ фаолияти **“хавфни таҳлил қилиш” тизими орқали хавфи юқори кўрсаткичга эга фаолият** ҳисобланади;

(в) нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан трансплантация амалиёти амалга оширилган **беморлар ва донорлар тўғрисидаги маълумотлар** мажбурий тартибда Соғлиқни сақлаш вазирлигига **мунтазам тақдим этиб борилади;**

(г) Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан:

(i) трансплантация амалиётини ўтказувчи тиббиёт ташкилотининг лабораторияси ёки аутсорсинг асосида республикадаги бошқа лабораторияларда **молекуляр-генетик текширувларни** амалга ошириш бўйича талаблар белгиланади ҳамда трансплантация амалиётини ўтказиш учун зарур бўлган **мажбурий таҳлиллар рўйхати** тасдиқланади;

(ii) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда ҳар йили Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда беморларни зарур **дори воситалари билан таъминлаш** инobatга олинади;

(iii) трансплантация жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан сўнг **беморларни реабилитация қилиш тартиби** ишлаб чиқилади. Бунда нодавлат тиббиёт ташкилотининг реабилитация муддати давомида **жавобгарлиги**, шунингдек, беморларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун **компенсация** тўлаб бериш масалалари **белгиланади.**

III. Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш учун институционал тизимни такомиллаштириш

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги **Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги** (кейинги ўринларда – Агентлик) этиб қайта номлансин.

5. **2026 йил 1 сентябрдан бошлаб** Агентликка қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин:

(а) **нодавлат тиббиёт ташкилотлари тармоғини ривожлантириш**, уларнинг соғлиқни сақлаш тизимига **интеграциясини таъминлаш**, илғор тиббий технологияларни жорий этиш борасида уларни **қўллаб-қувватлаш**;

(б) тиббиёт ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун **тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар** (кейинги ўринларда – инвестиция)ни жалб этиш, ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

(в) давлат тиббиёт ташкилотларини стратегик ривожланиш дастурлари асосида **бошқарувга беришда** иштирок этиш;

(г) соғлиқни сақлаш тизимида **“ягона дарча”** тамойили асосида маҳаллий ва хорижий инвесторларга консалтинг ва бошқа хизматлар кўрсатилишини таъминлаш;

(д) соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг **мастер режасини** ишлаб чиқишга ва уни такомиллаштириб боришга кўмаклашиш.

6. Агентлик таъсисчилигида акциядорлик жамияти шаклидаги **“Health Invest” компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) ташкил этилсин.

7. Қуйидагилар:

(а) **“Health Invest” компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари** 1-иловага мувофиқ;

(б) Давлат иштирокидаги тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришнинг **асосий механизмлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Агентлик қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси** ташкил этилсин ва қуйидагилар уни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

(а) Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг беғараз асосда ажратиладиган **10 миллион АҚШ доллари** миқдоридagi маблағлари;

(б) тиббиёт муассасаларини ёки тиббиёт ташкилотларидаги улушларни сотишдан тушган тушумларнинг **20 фоизи**;

(в) хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

(г) қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Белгилаб қўйилсинки, Компаниянинг устав фонди Тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **10 миллиард сўм** миқдоридa шакллантирилади.

10. Белгилансинки, **2027 йил 1 январдан бошлаб** соғлиқни сақлаш соҳасига **тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишнинг қуйидаги янги тизими** жорий этилади:

(а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(i) соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг **мастер режаси** асосида тиббиёт соҳасини, шу жумладан, хусусий секторни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилайди;

(ii) ДХШ лойиҳалари бўйича **давлат шериги** сифатида фаолият юритади, Агентлик билан биргаликда инвестиция ва ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш учун **давлат тиббиёт муассасаларини, ер участкаларини, бино ва иншоотларни** белгилайди;

(б) Агентлик:

- (i) инвесторларни аниқлайди ва улар билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади, янги инвестиция лойиҳалари (грант лойиҳалари бундан мустасно) ва ДХШ асосидаги лойиҳаларни ишлаб чиқади, уларни манфаатдор томонлар билан келишишга кўмаклашади ҳамда ДХШ лойиҳаларини Соғлиқни сақлаш вазирлигига тасдиқлаш учун киритади;
- (ii) тайёр инвестиция пакетларини шакллантиради, инвесторларга инвестиция лойиҳалари ва ДХШ асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида кўмаклашади ва мониторинг қилади;

(в) Компания:

- (i) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ўз тизимидаги хўжалик жамиятларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, келишиш ва амалга оширишда Агентликка кўмаклашади;
- (ii) унга бошқарувга топширилган ташкилотларнинг ҳамда мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган улушларнинг самарали бошқарилишини таъминлайди. Бунда Компания янги хўжалик жамиятларини, шу жумладан, буюртмачи функциясини бажариш бўйича инжиниринг компаниясини ташкил этиши мумкин. Компанияга ва унинг бошқарувидаги тиббиёт ташкилотларига, истисно тариқасида, ўз эҳтиёжлари учун олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган дори воситалари ва тиббий жиҳозларни, шунингдек, консалтинг, экспертлик ва таҳлилий хизматларни **“таклиф сўрови”** харид қилиш тартиб-таомили орқали **харид қилишга** рухсат этилади.

11. Агентлик Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда **2027 йил 1 апрелга қадар** давлат тиббиёт муассасаларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи **стратегияни** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

(а) самарасиз фаолият олиб бораётган тиббиёт муассасаларига аниқ мезонлар асосида ДХШ ва бошқа шаклларда хусусий секторни жалб қилиш;

(б) тиббиёт муассасаларини корпоратив бошқарув тамойиллари асосида трансформация қилиш, шу жумладан, кузатув кенгашларини ташкил этиш, мустақил аъзолар иштирокини таъминлаш, менежмент фаолиятини КРІ асосида баҳолаш ва ташкилот раҳбариятини муддатли меҳнат шартномаси асосида лавозимга тайинлаш тизимини жорий этиш.

12. 2026 йил якунига қадар тиббиёт муассасалари фаолиятини замонавий бошқарув моделлари асосида самарали ташкил этиш мақсадида синов тариқасида **“Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази”**, **“Болалар миллий тиббиёт маркази”**, **“Миллий тиббиёт маркази”** давлат муассасалари ва **“Кўпфункционали тиббиёт маркази”** МЧЖ ҳудуди билан бирга Компания бошқарувига ўтказилсин.

13. Агентликка:

(а) қуйидаги қўшимча штат бирликлари ажратилсин:

(i) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан – **20 та** (шу жумладан битта директор ўринбосари);

(ii) бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан – **13 та**;

(б) Тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан малакали экспертлар, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилишга рухсат берилсин.

14. Белгилансинки, Агентлик директорига соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари учун белгиланган ваколатлар берилади ҳамда унинг зиммасига соғлиқни сақлаш соҳасида тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, ДХШ лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар юклатилади.

IV. Тиббий хизматларни кўрсатишга хусусий секторни кенг жалб этиш

15. Белгилаб қўйилсинки:

(а) “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан **200 миллион АҚШ доллари** миқдорида имтиёзли кредит линияси очилиб, тадбиркорлик субъектларига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларидан бошқа туман (шаҳар)ларда, шунингдек, чегара ҳудудларида юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатувчи тиббиёт марказларини (кейинги ўринларда – Клиникалар) ташкил қилиш учун Марказий банкнинг асосий ставкасидан **3 фоиз банд юқори ставкада 10 йил муддатга** (3 йиллик имтиёзли давр билан) **10 миллион долларгача эквивалент** миқдорида миллий валютада имтиёзли кредит ажратилади. Бунда:

(i) “Ўзмиллийбанк” АЖ томонидан Клиникаларни ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларига кредит ажратиш учун уларга хизмат кўрсатувчи бошқа тижорат банкларига ресурс ажратилишига рухсат берилади;

(ii) Клиникаларни барпо этган тадбиркорлик субъектларига лойиҳанинг ўзини оқлаш даврига мос муддатларга мутаносиб равишда “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” АЖ ҳисобидан ажратиладиган кредитлар бўйича асосий ставканинг **50 фоизи миқдорида** компенсация тўланади;

(б) Клиникалар зиммасига ўз фаолиятини йўлга қўйгандан сўнг **3 йил муддатда** миллий ёки халқаро аккредитациядан ўтиш мажбурияти юклатилади;

(в) ҳудудлардаги аҳоли сони, саломатлик кўрсаткичлари, касалланиш даражаси, тиббий хизматларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Клиникаларни ташкил этишга оид талаблар, шу жумладан, техник талаблар, уларнинг жойлашуви, фаолият йўналишлари ва бошқа муҳим параметрлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қуйидагиларни амалга ошириш чораларини кўрсин:

- (а)** Клиникалар ташкил этиш учун танлаб олинган ер участкаларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат шеригига ажратиш;
- (б)** Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш орқали Клиникалар ташкил этиш учун тегишли ер участкаларини белгиланган тартибда “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариб бориш;
- (в)** Клиникаларни қуришда муҳандислик-коммуникация тармоқларига (электр, табиий газ, сув, канализация, йўл ва бошқалар) уланиш бўйича устуворлик бериш.

17. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг **2027 йил 1 январдан бошлаб** тажриба-синов тариқасида Самарқанд вилоятида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари бино-иншоотларини қуриш ва уларда реконструкция ишларини олиб бориш бўйича қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

- (а)** объектларда тадбиркорлик субъектлари **ўз маблағлари** ҳисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган лойиҳалар асосида қурилиш-монтаж ишларини олиб боради;
- (б)** қурилиш-монтаж ишлари якунлангандан сўнг белгиланган тартибда объектларда назорат ўлчови ўтказилади;
- (в)** объектларни қабул қилиш ишлари якунлангач тадбиркорлик субъектларига белгиланган маблағлар тўлаб берилади.

V. Солиқ ва божхона имтиёзлари

18. Белгилансинки:

(а) тиббиёт ташкилотларида ишлаш учун жалб этиладиган чет эл фуқароси бўлган шифокор, менежер, консультант ва тиббий жиҳозларга хизмат кўрсатадиган техник мутахассислар учун:

(i) **2029 йил 1 майга қадар** ижтимоий солиқ **1 фоиз** миқдорида;

(ii) **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома** бериш учун йиғим миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари** миқдорида белгиланади;

(б) Клиникалар фаолиятини йўлга қўйиш учун уларни **зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари** билан таъминлаш ишлари тегишлича “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ, “Ўзсувтаъминот” АЖ корхоналари ҳисобидан амалга оширилади.

19. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб **2029 йил 1 июлга қадар** солиқ тўловчи томонидан ўзининг ҳар бир ходими ва унинг ҳар бир оила аъзоси учун йилига **10 миллион сўмдан** ошмаган миқдорда тўланадиган **ихтиёрий тиббий суғурта бадаллари** учун харажатлар фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланади.

20. Тиббиёт ташкилотлари томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича ўз эҳтиёжлари учун республика ҳудудига олиб кириладиган **тиббий жиҳозлар, бутловчи буюмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари** ҳамда уларга қўлланадиган сарф материаллари, шунингдек, А тоифадаги махсус тиббиёт мақсадларига мўлжалланган **янги автотранспорт** воситалари **2026 йил 1 июндан бошлаб 2029 йил 1 июнгача** бўлган муддатга импорт **божхона божидан озод қилинсин**. Бунда мазкур бандда назарда тутилган автотранспорт воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш, уларнинг миқдоридан қатъи назар, мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

21. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

- (а) уч ой муддатда** соҳада амалга оширилаётган ва ишлаб чиқиляётган ДХШ лойиҳаларини инвентаризациядан ўтказсин ҳамда маълумотларни Агентликка тақдим этсин;
- (б) 2026 йил якунига қадар** қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:
- (i) Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда хўжалик жамиятларига айлантрилиб, уларнинг акциялари (улуши) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Компанияга бериладиган ёки белгиланган тартибда сотиладиган давлат тиббиёт муассасаларининг **рўйхатини белгилаш**;
- (ii) қиймати **10 миллион АҚШ доллари** ва ундан ортиқ бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини белгилаш.

22. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги уч ой муддатда:

- (а)** Солиқ қўмитаси билан биргаликда ушбу Фармонда назарда тутилган имтиёзларни амалиётга жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;
- (б)** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда белгиланган талаблар асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида режалаштирилган маблағлар ҳисобидан сотиб олиш механизмлари юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

(а) уч ой муддатда:

(i) Адлия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги Қонунига аккредитациядан ўтган нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан инсон аъзолари ҳамда тўқималарининг трансплантациясини амалга оширишга рухсат бериш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

(ii) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқнома бериш учун йиғим миқдорини мазкур Фармон талабларига мувофиқ белгилаш бўйича ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

(б) Агентлик, Жамғарма билан биргаликда **2026 йил якунига қадар** тиббиёт ташкилотлари хизматларининг оммабоплигини таъминлаш, нархларни тартибга солиш, сифат назоратини амалга оширишни назарда тутувчи таклифларни;

(в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

24. Ҳисоб палатаси 2026 йил якунига қадар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида амалга оширилган ДХШ лойиҳаларини танқидий ўрганиб чиқсин ва натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

26. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Э.Э. Адилов белгилансин.

27. Ушбу Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

“Health Invest” компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари

- 1.** Хўжалик жамиятларини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ва ўз тизимидаги хўжалик жамиятларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, келишиш ва амалга оширишда Тиббиёт ва фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига кўмаклашади.
- 2.** Унга ишончли бошқарувга топширилган хўжалик жамиятларининг **самарали бошқарилишини** таъминлайди.
- 3.** Инвестиция ва бизнес-форумлар, тақдимотлар (**“Road Show”**) ва **маркетинг** тадбирларини ташкил этади.
- 4.** Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида **тайёр инвестиция таклифларини** ишлаб чиқади.
- 5.** Компания бошқарувига берилган тиббиёт ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ва такомиллаштиради, уларни ривожлантириш ва кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш учун **молиявий қўллаб-қувватлаш** чораларини кўради.
- 6.** Ўз тизимидаги хўжалик жамиятларининг **улушлар портфелини мақбуллаштиради**.
- 7.** Ўз тасарруфидаги тиббиёт ташкилотлари учун **марказлашган корпоратив хизматларни** амалга оширади (молиявий, юридик хизматлар, харидлар, кадрлар бошқаруви ва бошқалар).

**Давлат иштирокидаги тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш
ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий механизмлари**

1. Хўжалик жамиятларини **ташкил этиш**, давлат тиббиёт муассасаларини хўжалик жамиятларига **айлантириш**, давлат улушларини, кўчмас мулк объектларини ва давлат муассасаларини хўжалик жамиятларининг **устав фондига (устав капиталига)** давлат улуши сифатида **киритиш** орқали амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларида иштирок этишга **хусусий инвесторни жалб қилиш**.
2. **Давлат-хусусий шериклик** асосида лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан:
 - (а) инфратузилмани лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш;
 - (б) соғлиқни сақлаш соҳасида товарларни етказиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш;
 - (в) давлат тиббиёт муассасаларининг ер участкалари, бинолари ёки уларнинг қисмлари ва хоналарини белгиланган тартибда бериш.
3. Давлат тиббиёт муассасаларини **ишончли бошқарувга топшириш**, уларнинг мулкани **ижарага бериш**, раҳбарлик лавозимларига малакали мутахассисларни **жалб қилиш**.
4. Комплекс тадбиркорлик лицензиясини олиш (**франшизинг**).
5. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, туман (шаҳар) ва ҳудудий даражадаги шифохоналар, республика даражасидаги ташкилотларнинг ҳудудий филиалларини бирлаштирувчи **интеграциялашган ҳудудий тиббиёт кластерларини ташкил этиш**.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги “Фармацевтика соҳасини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–20-сон Фармониغا 1-илованинг 10-позициясида “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2025 йил декабрь” сўзлари “2027 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–184-сон Фармонида:

“(а) 1-иловада:

(i) 11-позициясида:

“Назорат қилувчи орган номи” устунидаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги” сўзларидан кейин “ва унинг ҳузуридаги Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш маркази” сўзлари билан тўлдирилсин;

“Назорат соҳаси” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Тиббий фаолият устидан назорат”;

(ii) қуйидаги мазмундаги 11¹-позиция билан тўлдирилсин:

11 ¹ .	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи устидан назорат
-------------------	---------------------------	--

”;

(iii) 43-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

43.	“Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси	Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани сертификатлаштириш ҳамда уларнинг реализация қилинишини тартибга солиш ҳамда фармацевтика фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат
-----	---	--

”;

(б) 2-иловада:

(i) 1-позиция қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“	1.	Қўйидаги масалалар бўйича текширув ўтказиш: тиббий фаолиятни лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ амалга оширилишини текшириш; тиббий фаолият лицензия олинмасдан амалга ошираётганлигини текшириш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳузуридаги Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш маркази	”;
---	----	--	---	----

(ii) қўйидаги мазмундаги 1²-позиция билан тўлдирилсин:

“	1 ² .	Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ амалга оширилишини текшириш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	”;
---	------------------	---	---------------------------	----

(iii) 15-позициянинг “Назорат функциялари (текширувлар)” устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Фармацевтика фаолиятини (шу жумладан, дори воситалари ва тиббий жиҳозларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улгуржи ва чакана реализация қилишни) лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ амалга оширилишини текшириш”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги “Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида”ги ПҚ–4513-сон қарорининг 13-банди иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилансинки, туғруқни қабул қилиш тиббий фаолият тури билан шуғулланиш фақат Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Хавфсиз оналик” стратегияси талабларига риоя этилишини таъминлай оладиган туғруқ, жонлантириш, чақалоқларни жонлантириш, муддатига етмай туғилган чақалоқларни парвариш қилиш, эндовизуал гинекология бўлимлари, поликлиника ва клиник-биокимё лабораторияси ҳамда юқори малакали тиббиёт ходимлари мавжуд бўлган, бактериологик лаборатория хизматларини муассасада лаборатория ташкил қилиш орқали ёки аутсорсинг шартномаси асосида йўлга қўйган, шунингдек,

соғлиқни сақлаш ва ФХДЁ органлари ўртасида туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашинуви дастурини доимий юритиш шарти билан хусусий тиббиёт муассасаларига рухсат этилади”.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5199-сон қарорида:

(а) 1-бандда:

(i) “а” кичик банди еттинчи хатбошисидаги “60” рақами “10” рақами билан алмаштирилсин;

(ii) “б” кичик банд чиқариб ташлансин;

(б) 5-бандда:

(i) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.Адилов)”;

(ii) қуйидаги мазмундаги “в” кичик банди билан тўлдирилсин:

“в) “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ билан биргаликда 2026 йил 1 июлдан бошлаб ахборот тизимини Жамғарманинг тегишли ахборот дастурлари билан интеграция қилиш орқали йўлланмаларни расмийлаштиришга оид бўлган барча маълумотларни Жамғармага узатиш чораларини кўрсин. Бунда йўлланмалар тасдиқланиши ушбу мақсадлар учун тегишли даврга (ой, чорак ёки йил) режалаштирилган маблағлар доирасида амалга оширилиши кўзда тутилсин”;

(в) 3-иловада:

(i) 1-позициянинг “Талаб этиладиган маълумотлар” устуни қуйидаги мазмундаги 8-банд билан тўлдирилсин:

“8. Дастурли гемодиализ олувчи беморлар тўғрисида маълумот”;

(ii) 2-позициянинг “Талаб этиладиган маълумотлар” устунидаги 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Чернобиль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган ва ядро полигонда ҳарбий хизматни ўтаган шахслар тўғрисида маълумот”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–374-сон қарорида:

(а) 3-банднинг “а” кичик банди учинчи хатбошиси “талаб қилишга ҳақли эмас,” сўзларидан кейин “тиббий ва фармацевтика фаолиятни лицензиялаш талаб ва шартларига риоя қилиниши ҳамда тиббий хизматлар сифат назорати бўйича ўтказиладиган текширувлар, шунингдек,” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) иловада:

(i) 14-банднинг биринчи хатбошиси “Давлат меҳнат инспекцияси томонидан ўтказиладиган текширувлар” сўзларидан кейин “, тиббий ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш талаб ва шартларига риоя қилиниши ҳамда тиббий хизматлар сифат назорати бўйича текширувлар” сўзлари билан тўлдирилсин;

(ii) 24-банднинг учинчи хатбошиси “қайта текширув ўтказилмайди,” сўзларидан кейин “тиббий ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш талаб ва шартларига риоя қилиниши ҳамда тиббий хизматлар сифат назорати бўйича ўтказиладиган текширувлар, шунингдек,” сўзлари билан тўлдирилсин;

(iii) 37-банднинг тўққизинчи хатбошисида “рухсат бериш режимини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган” сўзларидан кейин “, шунингдек, тиббий ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш талаб ва шартларига риоя қилиниши ҳамда тиббий хизматлар сифатини таъминлаш бўйича” сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги ПҚ–8-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган ҳисобот ва статистик маълумотларнинг ягона рўйхати қуйидаги мазмундаги 73¹-позиция билан тўлдирилсин:

“	73 ¹ . Тиббий фаолият учун лицензия талаб ва шартларига риоқ қилиниши ҳамда тиббий хизматлар сифати бўйича ҳисобот	Хусусий тиббий фаолиятни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Чораклик	”.
---	---	---	---------------------------	----------	----

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида 2024–2030 йилларда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–308-сон қарорига 2-илованинг 13-позицияси чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–311-сон қарорида:

(а) 8-банд қуйидаги мазмундаги “д” кичик банд билан тўлдирилсин:

“д) “Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор – “UZINFOCOM” МЧЖ билан биргаликда 2026 йил 1 июлдан бошлаб “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизимидан барча маълумотларни Жамфарманинг тегишли ахборот тизимларига интеграция асосида узатилишини таъминласин”;

(б) 9-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда реимбурсация дастури билан боғлиқ барча жараёнлар (дори воситаларининг рўйхатини, чекланган қоплаш қийматларини, ажратилган маблағлар ҳажмини белгилаш ва бошқалар) Жамфарма томонидан яратиладиган ахборот дастурида юритилади ҳамда “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот тизими, шу жумладан “Электрон рецепт” модули билан ўзаро интеграция қилинади”;

(в) 3-илованинг 10-позициясида:

(i) “Амалга ошириш механизми” устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ЖССТ билан биргаликда даволанган ҳолат бўйича молиялаштириш тизимини жорий этиш.

Бунда Жамфарма Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда клиник харажатлар гуруҳини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳани Жамфарма маблағлари ҳисобидан амалга ошириш учун Жамфарма билан ЖССТ ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузиш”;

(ii) “Амалга ошириш муддатлари” устуни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2026 – 2027 йиллар давомида”.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–78-сон қарорига 5-илованинг 39-позициясида:

(а) “Чора-тадбирлар номи” устунидаги “таклифлар ишлаб чиқиш” сўзлари “маслаҳат хизматларини кўрсатиш шартномасини имзолаш” сўзлари билан алмаштирилсин;

(б) “Амалга ошириш шакли” устунидаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси” сўзлари “Амалий чора-тадбирлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 20 июндаги 384-сон қарори билан тасдиқланган Оилавий поликлиника тўғрисида намунавий низом қўйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

“4¹. Оилавий поликлиника ва уларнинг филиалларини ташкил қилиш, мавжуд бино-иншоотларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси бино-иншоотларига қўйиладиган талаблар асосида қўйидаги тоифаларга ажратилади:

3 001 – 6 000 нафаргача аҳоли бириктирилган 1-типдаги оилавий поликлиникалар – 1а тоифа;

6 001 – 12 000 нафаргача аҳоли бириктирилган 1-типдаги оилавий поликлиникалар – 1б тоифа;

12 001 – 24 000 нафаргача аҳоли бириктирилган 2-типдаги оилавий поликлиникалар – 2а тоифа;

24 001 – 36 000 нафаргача аҳоли бириктирилган 2-типдаги оилавий поликлиникалар – 2б тоифа;

36 001 – 48 000 нафаргача аҳоли бириктирилган 2-типдаги оилавий поликлиникалар – 2в тоифа;

48 001 – 54 000 нафаргача аҳоли бириктирилган 2-типдаги оилавий поликлиникалар – 2г тоифа.”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомнинг 27-иловасида:

(а) 6-позицияси учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Аризани кўриб чиқиш учун:

ҳар бир талабгор учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида;

икки ёки ундан ортиқ тиббий ихтисосликлар бўйича лицензия олишга ариза берган талабгорлар учун қўшимча равишда иккинчи ёки ундан кейинги тиббий ихтисосликларнинг ҳар бирига нисбатан:

амбулатория ва диагностика йўналишлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари;

стационар йўналишлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдорида тўловлар амалга оширилади.

Йиғим тўланганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) 6-позициянинг учинчи устуни иккинчи хатбошидаги тўловлар:

10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасига;

11,25 фоизи – Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи – ягона биллинг тизими орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш марказининг ҳисобварағига;

б) 6-позициянинг учинчи устуни учинчи – бешинчи хатбошидаги тўловлар тўлиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш марказининг ҳисобварағига йўналтирилади.”;

(б) 12-позициянинг учинчи устунда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 майдаги “Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш ва бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 325-сон қарорига 2-илова қўйидаги мазмундаги 51-позиция билан тўлдирилсин:

“

51.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Тиббий лицензиясиз оширганлик	фаолиятни амалга ёки	30
	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Тиббиёт ташкилотларини лицензиялаш ва аккредитациялаш маркази” муассасаси	лицензияни ҳужжатлардан фойдаланган олганлик ундириладиган маъмурий жарималар	қалбаки ҳолда учун	50

”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 ноябрдаги 738-сон қарори билан тасдиқланган Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 5-бандида:

(а) қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“илмий-тадқиқот ишлари учун олиб кириладиган, клиник олди тадқиқотлар, клиник тадқиқотлар ўтказиш, кўргазмаларда, ярмаркаларда, халқаро анжуманларда намойиш этиш учун мўлжалланган тиббий жиҳозлар.”;

(б) тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

Изоҳ: Мазкур илованинг 4-банди “а” кичик бандининг “ii” хатбошиси **2026 йил 1 июлдан бошлаб** кучга киради.

